

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДАГИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҒОЯЛАР

“Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) XI асрнинг буюк мутафаккир шоири Юсуф Хос Ҳожибнинг қаламига мансуб тарихий, адабий, маънавий-дидактик ва сиёсий-ҳуқуқий асар бўлиб, у қимматли тарихий-ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу асарда ўша даврнинг ҳаёти ўз аксини топган бўлса-да, ундаги ўғитлар, сиёсий-ҳуқуқий ғоялар тарбиявий аҳамиятга эгаллиги билан бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Бизга тарихдан маълумки, XI асрда Қадимги Турон ҳудудида Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлик қилар эди. Ушбу асарда ўша даврдаги давлат бошқаруви, тузуми, жамиятдаги ижтимоий табақалар, адолат ғоялари ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ўз аксини топган. “Қутадғу билиг” асари бизга ўша давр тарихи, сиёсати оид қимматли маълумотларни беради. Асарнинг яна бир муҳим жиҳати унинг туркий тилда битилганлигидир.

Китобда номи тилга олинган ҳокон Насриддин Тавғач улуғ Буғро Қорахон Абу Али Ҳасан Ҳорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075-1103 йиллар давомида Қорахонийлар давлатини бошқарган. “Қутадғу билиг” асари унга бағишланган пайтда у Кошғарда Арслонтегин Тўғрул Қорахоқон Маҳмудхон (1059-1075)нинг ўртоқ-қоғони сифатида ҳукм суларди (Қорахонийлар сулоласида шундай одат бўлиб, Баласоғун асосий ҳокон ҳукмдор бўлганда, Кошғарда унинг ўртоқ-қоғони иш юритарди¹).

“Қутадғу билиг” асарини туркий тилдаги илк ижтимоий-ахлоқий асар деб эътироф этсак муболаға бўлмайди. Шу боисдан ҳам ушбу асар ўша даврнинг ўзидаёқ турли мамлакатларга тарқалган ва турли номларда машҳур бўлган. Бугунги кунда ҳам бу китоб дунёнинг кўплаб тилларига, жумладан, уйғур, қозок, қирғиз, рус, немис, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган.

“Қутадғу билиг” асари ўзбек халқининг бебаҳо ёдгорлигидир.

“Қутадғу билиг” асарининг адабий жиҳатлари бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқ этилган. Лекин асарнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳали ўрганилмаган, очилмаган қирралари кўп.

* ТДЮИ магистранти

¹ Маънавият юлдузлари. Нашрга тайёрловчи М.М.Хайруллаев. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. -Б. 119.

Ҳозирда бир қанча ёш тадқиқотчи олимлар ушбу асарнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

“Қутадғу билиг” асари оддий халқ учун эмас, балки ҳукмдорлар учун ёзилган асардир. Ушбу асар давлатни бошқариш одоби, қонун-қоидаларини ўзида мужассам этган. Шунинг учун ҳам, бу китоб “Адаб ул-мулук” (“Ҳукмдорлар одоби”), “Ойин ул-мамлакат” (“Мамлакатни идора этиш қоидалари”) номлари билан ҳам шуҳрат қозонган. “Қутадғу билиг” ҳукмдорларга панд-насиҳат, ўғит тарзида ёзилган асардир.

“Қутадғу билиг” асарида турли масалалар ёритилган. Ҳар бир боб алоҳида масалага бағишланган. Жумладан, сиёсий-ҳуқуқий масалаларга бағишланган қуйидаги бобларни санаб кўрсатиш мумкин: Кунтуғди элиг ҳақида, Кунтуғдининг Адолат ҳақида айтганлари, Ўғдулмиш Элигга дек (лашкарбоши, ошпаз, хазиначи, эшик оғаси, элчи, дастурхончи...) қандай бўлиши кераклигини сўзлайди, кишилар эзгуси элчи бўлгани, қўшин бошлиғига керак кўп қилиқ, ким вазир бўлади, улуғ бўлсанг, кичик тутгин кўнгилни ва бошқалар.

“Қутадғу билиг” достонидаги ғоялар асосий тўрт тимсол воситасида ифодаланган:

Бири тўғрилиқка таянч – АДОЛАТ,

Бири ДАВЛАТ эрур, у қутли ғоят

Учинчи – улуғлик АҚЛ ва зако,

Тўртинчи – ҚАНОАТ эрур бебаҳо².

Биринчиси, Кунтуғди, яъни адолат тимсоли бўлиб, у бош ҳукмдордир.

Иккинчиси, Ойтўлди давлат, бойлик, омад, бахт, қудрат бўлиб, у бош вазир сифатида тасвирланган. Бизга маълумки, бош вазир ҳукмдорнинг таянчи, суянчи, бош маслаҳатчиси бўлиб ҳисобланади. Аммо давлат фоний, ўткинчидир. Шу сабабли, асар давомида Ойтўлди вафот этади. Учинчиси, Ўғдулмиш, яъни ақл ва билим рамзи бўлиб, у Ойтўлдининг ворисидир. Ойтўлдининг вафотидан сўнг, у ҳукмдорнинг бош маслаҳатчиси бўлиб қолади. Молу давлат, бойлик ўткинчи, лекин ақл ва билим абадийдир. Ўғдулмиш асарнинг бош қаҳрамонидир. Шу сабабли ҳам асар “Қутадғу билиг”, яъни “Саодатга элтувчи билим” деб номланган. Тўртинчи тимсол бу – Ўзғурмиш, яъни Қаноатдир. Ўзғурмиш

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. -Т.: Юлдузча, 1990, -Б. 9.

Ойтўлди ва Ўгдулмишга қариндошдир. Асар охирида Ўзғурмиш ҳам вафот этади.

Шоир асардаги рамзий образлар ёрдамида ўзининг ғояларини илгари сурган. Асардаги асосий, бош ғояга кўра, Элиг, яъни ҳукмдор, авваламбор, адолатли, ақлли, билимли, қаноатли бўлиши керак. Шундагина, халқ фаровон, яхши турмуш кечириши мумкин.

Шу билан бирга, “Қутадғу билиг”да жамиятдаги турли катламлар, жумладан, савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари, ҳукмдорнинг халққа қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида ҳам сўз боради.

“Қутадғу билиг”да Юсуф Хос Ҳожиб ўша даврга хос зиддиятларни, барча табақаларга, хусусан, сарой амалдорларига хос бўлган фазилят, қусурлар, ижтимоий аҳволни аниқ ифодалаб берган.

“Қутадғу билиг”да ҳукмдорларнинг билимли, доно бўлиши кераклиги қайта-қайта таъкидланган. Жумладан, асарда шундай дейилади: “Агар ўтмишдаги аждодларга назар солгудай бўлсанг, улар эл-юрт тадбирин ўйлашган. Бугун ҳам эзгу деб аталган ҳар қандай одам эзгуларга бош бўлади. Бошлиқ билимли ва доно бўлса, атрофига ўзига ўхшаганларни йиғади. Бу хил бошлиқ элини бойитади. Билимли ва доно бошлиқ сахий деган ном олади. Сахий ўлса ҳам номи тирик қолаверади³.

Асарда адолат ғояси етакчи ғоя бўлиб ҳисобланади. “Қутадғу билиг”даги қуйидаги фикрлар бунинг яққол тасдиғидир: “Ўғлим ёки яқинларим, ёхуд чакмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин, адолат борасида улар мен учун бир хилдир. Мен учун мезон ва асос – тўғрилиқ. Бошлиқ элига тўғрилиқ ва адолат кўрсатса, у барча тилак ва орзуларига етади⁴.

Достонда Ўгдулмиш бек (мамлакат бошлиғи) бўладиган одам қандай фазилятларга эга бўлиши ҳақида шундай дейди:

- Бек доно, ботир, шерюрак бўлиши керак. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазакор бўлиши тақозо этилади. Очиқ юзлилик – бекнинг яхши фазилятларидан бири. Беклик муқаддаслик ва покликни талаб этади. Хушёрлик, сергаклик у қўйган талаблар қаторининг бошида туради. Бундан ташқари, бек эзгулик йўлида собит ва комил турмоғи, ақл-идрок йўриқларини тутмоғи керак.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. -Т.: Юлдузча, 1990, -Б.16.

⁴ Ўша манба. -Б.25.

Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчдир: бири – ҳушёрлик, бошқаси адолат. Бошлиқ ҳушёр бўлса, эл-юрт бало-офатларни кўрмайди. Бордию бало-офат тутадиган бўлса, ҳушёр бошлиқ бунинг тезда чорасини топади. Тўғрилиқ ва адолатга таянувчи беклик бузилмайди⁵.

“Қутадғу билиг”га кўра, давлат бошлиғи бешта ишдан ўзини тийиши лозим. Булар шошма-шошарлик, кўзи очлик, жаҳолат, ёвузлик ва ёлғон, қўпол тиллилик. Эл бошлиғи беҳуда ишлар билан овунмаслиги керак. Бошлиқ сиёсати эл-юрт офатидир.

Юл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади: бири адолат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, улардан марҳаматни аямасликдир.

Элга бошчилик қилиш шундай оғирки, ундан бировлар ошини еса, бировлар ўз бошини ейди. Роҳатни истаган бошлиқ қуйидагиларга амал қилмоғи шарт:

Бутун халққа бўлгин содиқ, меҳрибон,

Тугал, эзгулик эт ўзинг ҳар қачон.

Эл-юртга нафли бўл, зарар келтирма,

Ёмон-ярамасга омонлик берма.

Бундан ташқари, “Қутадғу билиг” достонида вазир қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳам йўл-йўриқлар ўз ифодасини топган. Унда жумладан шундай дейилган: “Вазирлик – улуг иш. Бу ишга ишончли, етук ва сара, уқув-идрокли, доно ва юмшоқ кўнгил, айна пайтда дадил ва журъатли кишилар керак⁶. Булардан ташқари, вазир доно, ўктам, ҳисоб-китобни жуда пухта биладиган, тетик ҳамда турли-туман ёзувларни биладиган бўлиши ҳам талаб этилади. Вазирликка бутун, ростгўй, ёзув-чизув ишларидан тўла хабардор бўлган киши керак. Унинг қилиғи, хулқ-атвори кўпчиликка манзур, тили билан дили бир бўлиши лозим. Уят-андиша эгаси, дили кирсизлар бу амалга муносибдир. Кўзи тўқ, абжир, билағон, сезгир, яхши-ёмоннинг фарқига борувчилар вазирликка лойиқ⁷.

“Бошлиқ тили ва кўнглини тўғри тутадиган бўлса, унинг ходимлари, қўл остида ишчилари ҳам тўғрилиқ йўлини танлайди. Бошлиқлар золим бўлса, уларнинг ҳаёти афсус билан ўтади. Унинг

⁵ Ўша манба. –Б. 47.

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. -Т.: Юлдузча, 1990, -Б. 52.

⁷ Ўша манба. –Б.53.

қўл остидагилари ҳам эзгу ишни, яъни тўғрилиқ йўлини йўқотишади»⁸.

Вазир юрт бошлиғига кенгашчи бўлади. Кенгашчи бир ишни тенг қилувчидир. Яхши вазир – юртга бойлиқ, элга – роҳат.

Булардан ташқари, асарда қўшин бошлиғи, котиб, элчи қандай фазилатлар соҳиби бўлиши кераклиги ҳам баён этилган.

Асарда ёзилишича, элчи учун хос бўлган ҳислатлар билимдонлик, босиқлик, хотиржамлик, чечанлик ва тадбиркорликдир.

Элчи сўз маъноларининг зукко билимдони бўлиши керак. У сўзнинг ичини ҳам ташини ҳам англай олмоғи, яъни сўзнинг оддий ва кўчма, ошкор ва яширин маъноларидан хабардор бўлмоғи шарт. Токи бу хусусият бузилган ишларни созлаш учун қўл келсин. Ақлидрок – элчининг зийнати.

Кўзи суқ элчиликка нолойикдир, чунки кўзи суқ одамнинг эрки чекланган-чегараланган бўлади. Элчи уят-андишали, собит ва тетик бўлиши керак. У ҳар бир мамлакат ёзувини ўрганса, ярашади. Элчи турли-туман санъат-ҳунарлардан хабардор бўлсин⁹.

Турли-туман фан асосларини ўргансин, айниқса, бадиий сўз сирларини яхши ўзлаштирсин, агар шеърятни яхши ҳис этса, тушунса, бунинг устига ўзи ҳам шеърлар ёзса, нур устига нур бўлади. Элчи астрономия, ҳандаса, илдиз чиқариш, ер сатҳини ўлчаш, математика-геометрия илмларини мукаммал билмоғи лозим. Шахмат ва нарда ўйинлари – элчининг фазилатларини оширади. У бу санъатларни шу даражада ўзлаштириши лозимки, токи ҳарифлари ундан устун бўлсин. Чавгон ўйинига моҳир, ёй тортишга қодир, қушчилик, овчилик сирларидан хабардор бўлиш ҳам элчи фазилатларини оширади.

Элчи дадил бўлсин. Ҳар бир ҳунардан хабардор турсин. Қайси одам ўз сўзларини сўзлай бошласа, ундан кўзда тутилган мақсадни аниқ англай оладиган бўлсин¹⁰.

Ҳозиржавоблик унинг бош фазилатларидан бири. Элчи мутлақо май ичмаслиги керак. Ўзини тутган киши қутга таянч бўлади. Элчининг ақли кенг, қўли очик, тили ширин бўлиши лозим. Сўзга чечанлик – киришимлилиқ аломати. Сўзи гўзалнинг иши ҳам юришади. Хотира бақувватлиги – элчига зийнат.

⁸ Ўша манба. –Б.54.

⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. -Т.: Юлдузча, 1990, -Б.59.

¹⁰ Ўша манба. –Б.59.

Элчининг иши сўз билан битади. Сўзи яхши бўлса, у тилагига етади. Агар элиг шундай одамни топса, элчилик мартабасини унга берсин. Элчи йироқни яқин, яқинни меҳрибон қилувчидир¹¹.

Хулоса қилиб айтганда, “Қутадғу билиг”даги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар нафақат ўша давр учун балки, бугунги кун учун ҳам долзарбдир. Биз бу асарни ўқиб ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз лозим.

¹¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. -Т.: Юлдузча, 1990, -Б.60.